
МАКТАБЛАРДА КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИНАДИ

3-сектор раҳбари Фахриддин Ҳайитов 8 сентябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлар Фарғона туман Кенгашининг қарорига асосан ўз ҳудудидаги мактабларни янги ўқув йилига тайёрлигини яна бир бор кўздан кечирмоқда. 61-умумтаълим мактаби мукаммал таъмирдан чиққан бўлиб, замонавий кўриниш, шароит ва қулайликларга эга. Янги ўқув йилига тайёргарлик доирасида таълим ўқувчилар орасида масофа сақлаган ҳолда олиб борилиши учун барча чоралар кўрилган. Ўқувчиларнинг таълим муассасаларига карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда кириб-чиқиши тартиби 1- ёки 2-навбатда ўқишларидан келиб чиқиб йўлга қўйилади. Бинодаги ўқувчилар ҳаракати ва доимий равишда тиббий ниқобларда бўлиши эса фан ўқитувчилари томонидан назорат қилинади.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-09-09 17:17:51